

Ўзбекистон "Адолат" СДП ўзини иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда инновацион тараққиётнинг, яратилган моддий бойликларни адолатли тақсимлашнинг, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига амал қилишнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг очиқлиги ва ҳисобдорлигининг фаол тарафдори, деб билади.

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

O'zbekiston
«Adolat» sotsial-
demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 47 (1007) • 2014-yil, 21-noyabr, juma

Бош Қомусимизда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканликлари белгилаб қўйилган.

Шу боис ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловда сайловчиларнинг овоз бериши бевосита халқ ҳокимиятининг бир ифодасидир. Ушбу сиёсий жараёнда биринчи марта қатнашаётган ёшларнинг бу ҳақда етарли тushunchага эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Бу борада жойларда сиёсий партиялар томонидан сайлаш ҳуқуқи, сайлов кампанияси даврида тарғиб-бот-ташвиқот ишларини олиб бориш ҳақида ёшларга етказилган маълумотлар уларнинг ўз билимларини мустаҳкамлашига хизмат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Марказий аппарати Аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш бўлими ташаббуси билан жойларда "Биринчи марта сайловда қатнашман" акцияси ўтказилиб келинмоқда. Мазкур лойиҳанинг ўзига хосли-

ги шундаки, ёшларда сиёсий жараёнларга дахлдорлик туйғусини уйғотиш, сайлов кампаниясининг барча босқичида уларнинг иштирокини таъминлаш, муносиб номзодларни сайлаш орқали давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита фаолликни оширишга хизмат қилиши билан бирга, улар орқали 18 ёшга тўлган фуқаролар сайлов тўғрисидаги қонунчилик нормалари, сайловчи, ваколатли ва ишончли вакил ҳуқуқлари ҳақида маълумот берилмоқда.

Бу эса бўлажак сайловда фуқаро-

ларнинг хоҳиш-иродасига мос бўлган мақсадларни илгари сураётган, дастурий гоа ва вазифаси халқчил бўлган партия томонидан кўрсатилаётган номзодга овоз беришимиз учун катта ёрдам беради.

Мен ҳам Конституцияда белгиланган сайлаш ҳуқуқидан фойдаланиб, бу йил илк бор сайловда иштирок этаман.

Албатта, ҳар бир номзод халқ вакили сифатида мамлакатимиз парламенти, маҳаллий Кенгашларда билдирилган ишонччи оқлаб ишлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Сайлов куни улар орасидан энг муносибларини давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлаб, уларга ишонч билдирамиз. Умид қиламанки, сайловда энг кўп овоз тўплаган номзодлар халқ орзу-истакларини амалга оширишда самарали ишларни олиб боришади.

Мафтуна АСЛОНОВА,
Тошкент давлат юридик
университети талабаси

➤ Сайловда биринчи марта овоз бераман



Бу менинг танловим, менинг партиям!

Сайловолди ташвиқоти

муҳим жараён

➤ Сайлов — 2014

Сайлов номзодлар ўртасидаги рақобат жараёнидир. Бунда ҳар қандай сиёсий партия ўз номзодлари нисбатан кўп овоз олиши учун интилади. Сайловолди ташвиқоти сиёсий партиялар ўртасидаги қизгин рақобат жараёнини таъминлайди. Айнан партиялар ўртасидаги кураш шароитида энг самарали сиёсий платформа, энг муносиб депутатликка номзодлар, мамлакат парламенти ва маҳаллий Кенгашлар учун энг мақбул бўлган депутатлик корпуси шаклланади. Сайловолди ташвиқотининг юзага келиши ва ривожланиши айнан сайлаб қўйилган вазифага бир неча номзодларнинг интилиши туфайли рўй берган. Бугунги кунда сайловолди ташвиқоти барча демократик давлатларда эътибор бериладиган сайлов кампаниясининг узвий қисмидир.

2➤

Бюджет ижроси

депутатлар назоратида

➤ Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисида"ги масала муҳокама этилди. Фракция аъзолари, бир қатор мутасадди вазирликлар, идора ва ташкилотларнинг раҳбар ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган ушбу йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаевнинг ҳисоботи тингланди.

5➤

УЛУҒ ФАЗИЛАТЛАР ИФОДАСИ

➤ Муносабат

Комил инсоннинг улуғ сифатларидан бири кечиримликдир. Зеро, бағрикенглик, кечиримлик кучли ирода ва юксак маънавият эгалари ҳисобланмиш халқимизга хос азалий фазилатлардан саналади.

Яқинда Ҳуртобшамизнинг тақдиримасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Сенати томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарор ҳам олийжаноб халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини, инсонпарварлик фазилатларини ўзида ифода этади.

3➤

ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

➤ Жараён

Сайлов — демократик бошқарув шакллариининг марказий институти. Фуқароларнинг ҳокимият тузилмаларини шакллантиришдаги иштироки замонавий жамиятнинг умумэтироф этилган жиҳати ҳисобланади. Сайловда иштирок этиш бу — нафақат муҳим конституциявий ҳуқуқ, балки айни вақтда воқеа ҳамдир. Бу иштирокчилардан ўз хатти-ҳаракатлари

учун сиёсий масъулиятни талаб қилади.

Яқинда мамлакатимизда "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутаталари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов кампанияси "Сайлов — 2014" ижтимоий сўрови ўтказилди.

3➤

Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик
палатаси, халқ
депутатлари вилоят,
туман ва шаҳар
Кенгашлари
сайловига

29 кун
қолди

Ёшлар

ўз манфаатларини
ҳимоя қилишга
қодир



2

Халқ эътиборини қозониш

номзод ва ишончли
вакилларнинг сиёсий
маҳоратига боғлиқ

3

«ОБУНА — 2015»



Қадрли юртдошлар!
Азиз муштарийлар!

«Adolat» газетаси — маънавиятимизни бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, ҳар биримизда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир. Газетамизга обуна бўлинг!

«Adolat»нинг нашр индекси — 100

«Adolat» ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ
ДОИМИЙ ХАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА
ИШОНАМИЗ!

Бу менинг танловим, менинг партиям!

Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувида иштирокини кучайтириш, уларнинг мавқеини мустақамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу имкониятлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайловда фаол иштирок этишга шароит яратади.

Юртимизда сиёсий жараёнларнинг муҳим палласи тобора яқинлашмоқда. Сайловнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар тобора чуқурлашиб бораётган бир даврга тўғри келди.

Асосийси, мазкур сиёсий жараёнларга ёшлар жиддий масъулият билан ёндашмоқда. Негаки, келажакда ёшлар тақдирига оид қонунлар қабул қилиниши улар танлаган номзоднинг салоҳиятига ҳам боғлиқ.

Шунинг учун бунинг масъулиятини ҳис этиб турибман. Мен оддий сайловчи эмасман. Балки «Адолат» СДПнинг фаол аъзосиман, Демак,



бўйича аниқ таклифларни кўтариб чиқиши, электротатни ўз дастурий мақсад ва вазифалари ортдан эргаштира олишига боғлиқдир. Шунингдек, сайловда муваффақият қозониш фуқароларнинг сайловда фаол иштирок этиши, партиямиз номзодларига овоз бериши, сайловда Платформамизнинг жозибадор, халқчил ва аниқлиги, партиямизнинг сайловдан сайловгача бўлган давр оралиғидаги амалий ишлари, бир сўз билан айтганда, сайловга кўрилган пухта тайёргарлиги билан ҳам баҳоланади.

Бўлажак сайловда энг муносиб номзодларнинг қўли баланд келишида ҳар биримизнинг овозимиз муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Хилола БАДАЛОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси,
шотокан-қарағ-до бўйича республика
ва Осиё чемпионли, жохон кубоги
мусобақаларининг
икки қарра вице-чемпиони

сайлов олдидан партиямиз ғояларини тарғиб этишда ҳам фаол иштирок этишим керак.
Ўйлайманки, сайлов натижалари сиёсий партияларнинг ушбу муҳим синовда ўз имкониятларини тўғри баҳолай олиши, жойларда аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ечиш

Ёшлар ўз манфаатларини ҳимоя қилишга қодир

— Мен давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик таклифларим билан иштирок этишни истайман, — дейди Самарқанд давлат университети талабаси Абдуҳаким Рофиев. — Сайловда биринчи марта қатнашаётганим бу борада менга зарур ҳуқуқий имконият яратмоқда.

— Ўзим сингари ёшларни мамлакат тараққиётига кучли туртки беришга қодир муҳим ижтимоий ресурс деб биламан, — дейди университетнинг яна бир талабаси Ойгул Турсунова. — Шунинг билан сайловда иштирок этадиган сиёсий партиялар ва улар номзодларининг сайловда дастурлари ёшлар манфаатига кўпроқ йўналтирилиши аниқ мудоаодир.

Мулоқот жараёнида аниқландики, уларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий саводхонлиги жамиятдаги демократик ўзгаришлар ҳақида соғлом, мустақил фикр юритишлари, ҳуқуқий ҳақлари учун етарли. Демак, эндиги вазифа ёшлар позициясини қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий жараёнларга таъсирини кенгайтириш, ёшлар билан жамият ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришдан иборат. Айтиш мумкинки Самарқанд давлат университетида тўлқинлар таърифи билан ҳар жиҳатдан ибратлидир. Яъни, икки йил муқаддам университет маъмурияти ва Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят кенгаши ташаббуси билан мазкур олий

ятдан оқилонга фойдаланишга, сиёсий партиялар ва номзодларнинг сайловда дастурларини холис, танқидий ўрганишга даъват этди. «Сайловда кўпчиликнинг қўли баланд бўлишига асосий шартлардан бири — ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги бўлиши керак. Шунингдек, сайловда фаол иштирок этишга қодир бўлишга асосий шартлардан бири — ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги бўлиши керак. Шунингдек, сайловда фаол иштирок этишга қодир бўлишга асосий шартлардан бири — ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги бўлиши керак.

Мулоқотни ташкиллаштирилган ёшлардан мавзуга нисбатан аниқ шундай ёндашувни, фикрлар хилма-хиллигини кутганлиги боис уларни эркин фикрлашга ундайдиган саволларни беришга ҳаракат қилдилар. Сайлов маданиятини шакллантириш — демократик ривожлантиришни сақлаб

Бир мулоқот жараёнида билдирилган икки фикрни мақоламизнинг бошида бежиз таъкидламадик. Бугунги ёшлар мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларга чуқур дахлдорлик ҳиссини туймоқдалар ва шунинг баробарида бўлгуси сайлов натижасидан бевосита манфаатдор эканликларини изҳор этмоқдалар.

«Биринчи маротаба сайловда қатнашман» мавзусида Самарқанд давлат университетида бўлиб ўтган очик мулоқот бу фикрни яққол тасдиқлади. Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят Кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ўтказилган мазкур давр суҳбатига университетнинг 200 нафарга яқин талабаси иштирок этиб, жамиятдаги сиёсий жараёнларга нисбатан ўзларининг фаол фуқаролик позицияларини намойён этишга, давлат бошқарувини демократлаштириш ислохотларининг асосий вазифаси эканини яна бир қарра аниқлаштиришга ва бу борада сайловнинг аҳамияти ҳақида тўғри ҳулосалар чиқаришга муваффақ бўлдилар.

Талаба-ёшлар билан бўлиб ўтган мулоқотларни вилоят партия кенгаши «Аёллар қаноти» етакчиси Дилбар Бобоева олиб борди. Суҳбат жараёнида сайловда биринчи маротаба қатнашаётган ёшларга ҳуқуқ-буричларини тушунтириб беришга, давлат ҳокимияти, депутатлар ва сиёсий партияларнинг ўзига хос томонлари ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақида баҳс-мунозара юритишга, соғлом фикрларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилинди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Сайловда дастурида ёшлар манфаатига дахлдор қонунларни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, давлат ҳокимияти вакиллик



органларидаги иштирокини кенгайтириш сингари долзарб масалаларга алоҳида ўрин ажратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда партия фаоллари жойларда зарур тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Сиёсий мулоқотлар, учрашувлар, видеороликлар билан мавзу доирасини янада бойитмоқдалар.

— Сайловда биринчи маротаба қатнашаётганлар бу демократик жараёнда илгари иштирок этганлар билан тенг ҳуқуқга эга, — деди маърузачи Дилбар Бобоева. — Чунки сиз, ёшлар сайлов натижасига таъсир кўрсатишда катта ёндашув билан бир хил имкониятга эгасиз. Демак, сайлов сизга ўз сиёсий қарашларингизни, манфаатларингизни ҳимоя қилиш учун катта имконият дидир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, биргина Самарқанд давлат университетидан бўйил 3 минг нафар талаба сайловда илк марта иштирок эта-

ўқув юртида ижтимоий назорат бўйича махсус ўқув курси ташкил этилган. Ва, шу қунрағида бу курсда талабаларга зарур мавзуларда сиёсий сабоқ бериб келинмоқда. Талабалар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органларига бўлажак сайловнинг демократик хусусиятлари, депутатлар ваколати, улар иштирокидаги жамоатчилик назоратининг аҳамияти ҳақида шу ерда батафсил маълумот олишган. Шу боис университет хамкори — «Адолат» СДП вилоят кенгаши вакилларининг бу сафарги таърифининг ҳам талабалар илиқ кутиб олдилар.

Мулоқот иштирокчиси — рус филологияси факультетининг 1-курс талабаси Дилдора Саторова ёшлар жамият тақдирига бефарқ эмаслигини, олдидан уларни муҳим синов кутаётганини таъкидлаб, тенгдошларини сайловда биринчи марта овоз бериш имкони-

қолиш учун муҳимми? Депутатлар кимнинг олдига ҳисобот бериши керак? «Адолат» СДП ёшларнинг сиёсий хамкори эканлигини сиз қандай тушунасиз? Давлат бошқарувини шакллантиришда сиёсий партиялар қайси йўللар билан иштирок этадилар?

Айтиш лозимки, ёшлар муҳокамасига ҳавола этилган бу каби саволлардан бирортаси жавобсиз қолмади. Ва, таъкидлаш ўринлики, мулоқот унинг ташкилотчилари ва иштирокчилари учун бирдек фойдали бўлди. Негаки, «Адолат» СДП шу биргина мулоқот орқали ўзининг сиёсий позициясини дурустгина намойён этиб, сайловда янги тарафдорлар ортирарган бўлса, иштирокчилар ўз ҳуқуқ-ваколатларидан адашмай фойдаланиши учун зарур ахборотга эга бўлдилар.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат» муҳбири

Сайловолди ташвиқоти муҳим жараён

«Давоми. Боши 1-бетда»

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасида, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасида сайловолди ташвиқоти таъриф берилган. Унга кўра: «сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият»дир. Ушбу таъриф ҳар жиҳатдан мукамал. Боиси сайловолди ташвиқотининг асосий мақсади ҳам айнан депутатликка номзод ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга йўналтирилган. Бунинг учун эса сайловолди ташвиқотининг турли шакл ва усулларидан фойдаланилади.

Оқориди таърифда келтирилганидек, сайловолди ташвиқоти сайлов кампанияси даврида, яъни муайян вақт оралиғида амалга оширилади. Унинг бошланиши ва тугаш вақти қонунчиликда аниқ кўрсатилган. Ўзбекистонда сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Хар бир сайловчининг овози сайловда алоҳида ўринга эгаллигини ҳисобга олсак, сайловолди ташвиқотини сайлов кунидан бир кун ҳам олдин ўтказишнинг таққилиғи сайловчилар учун ниҳоятда муҳим. Чунки «Етти ўлчаб бир кес» сингари қарор қабул қилишда қўлланмайдиган ҳикматли тавсияларни ҳар бир сайловчи ўзига қўйиши керак. Шунингдек, сайловолди ташвиқоти сайлов кампанияси жараёни даврида амалга оширилади, сайловчиларни сиёсий партия, депутатликка номзодга бўлган муносабатини тубдан ўзгариштиришда муҳим роль ўйнайди. Шу боис сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар халқ оммасига тез ва самарали таъсир этадиган сайловолди ташвиқоти усул ва шаклларида фойдаланишга эътибор беради.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасида, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасида сайловолди ташвиқотини олиб бериш турлари, шакллари ва усуллари кўрсатиб ўтилган.

Сайловолди ташвиқоти ўзига хос усуллар ва шакллар асосида олиб борилади. Турли усул ва шакллarda олиб бориладиган сайловолди ташвиқотларни сайлов кампанияси жараёни даврида амалга оширилади, сайловчиларни сиёсий партия, депутатликка номзодга бўлган муносабатини тубдан ўзгариштиришда муҳим роль ўйнайди. Шу боис сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар халқ оммасига тез ва самарали таъсир этадиган сайловолди ташвиқоти усул ва шаклларида фойдаланишга эътибор беради.

Сайловолди ташвиқоти ўзига хос усуллар ва шакллар асосида олиб борилади. Турли усул ва шакллarda олиб бориладиган сайловолди ташвиқотларни сайлов кампанияси жараёни даврида амалга оширилади, сайловчиларни сиёсий партия, депутатликка номзодга бўлган муносабатини тубдан ўзгариштиришда муҳим роль ўйнайди. Шу боис сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар халқ оммасига тез ва самарали таъсир этадиган сайловолди ташвиқоти усул ва шаклларида фойдаланишга эътибор беради.

Сайловолди ташвиқоти ўзига хос усуллар ва шакллар асосида олиб борилади. Турли усул ва шакллarda олиб бориладиган сайловолди ташвиқотларни сайлов кампанияси жараёни даврида амалга оширилади, сайловчиларни сиёсий партия, депутатликка номзодга бўлган муносабатини тубдан ўзгариштиришда муҳим роль ўйнайди. Шу боис сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар халқ оммасига тез ва самарали таъсир этадиган сайловолди ташвиқоти усул ва шаклларида фойдаланишга эътибор беради.

тан улар томонидан кўрсатиладиган номзодларнинг имижини, нотиклик маҳорати кўпчилиги, айниқса, ёшлар ва ўрта ёшли фуқаролар эътиборини тортиши мумкин, аммо сиёсий партияга ёки номзод шахсига нисбатан қатъий қарорни қабул қилиш платформанинг турли ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимини борасида илгари суртилган дастурий ғоялар мазмунига эътибор бериш орқали амалга оширилади. Шу боис сайловда талаба қилишни истаган сиёсий партия, биринчидан, сайлов жараёнида, иккинчидан, сайловдан кейин ўз электорати ишончини оқлаши учун мукамал ва ҳаётий платформасини яратиш устида жиддий бош қотиради.

Таъкидлаш лозимки, сиёсий партиянинг платформаси унинг мақсадида келиб чиқади. Лекин, барча сиёсий партияларнинг бош мақсади мамлакатда амалга ошириладиган ислохотлар стратегиясига ҳамохан тарзда ишлаб чиқилади. Фақат бунда сиёсий партия давлат ва жамият бошқарувини, аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг энг мақбул йўналишларини ўз дастури ҳамда позициясидан келиб чиқиб тақлиф этади ва бунинг билан платформасида статистик маълумотлар ва мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб асослаб беради. Ҳаётдан йироқ бўлган, ҳеч бир муаммо ечимини тўлиқ англаб етилмаган сайловолди дастури сиёсий партияга нисбатан муносабатини сусайтиради.

Шундай қилиб, сиёсий партиянинг асосий мақсади сиёсий ҳокимиятда кўпроқ ўринларга эга бўлиш экан, демак, унинг фаолияти ва дастурий мақсадлари, жумладан, сайловолди платформаси, аниқ ва жиддий характерга эга бўлиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини истиқболга олиб беришга қўрсатиб имконини берадиган йўналишлардан иборат бўлиши керак.

Депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш ҳам сайловолди ташвиқотининг муҳим қисми ҳисобланади. Боиси сиёсий партия парламентда имкон даражада кўпроқ ўринларни олишни хоҳлайди. Бунинг учун депутатликка ҳар томондан муносиб бўлган номзодларни саралашга ҳаракат қилади. Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзод сифатида рўйхатга олингандан кейин сиёсий партия ўз номзоди ҳақида ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда ташвиқот этади. Бундан турли кўргазмалар воситалари, плакатлар, календарлар, сиёсий партия сайтидаги алоҳида саҳифаларда депутатликка номзоднинг таржимаи ҳоли ва фаолияти ҳақидаги маълумотларни киритади. Маълумотларни имкон даражада аҳоли ўртасида кенгроқ ёйишга интилади.

Бундан ташқари, депутатликка номзоднинг ишончли вакилларини тайёрлаб бориш ҳам сиёсий партиянинг депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этишда яна бир имконият ҳисобланади. Имкон даражада кўпчилик орасида ўзини эркин ҳис этадиган, чуқур билим ва нотиклик қобилиятига эга бўлган ишончли вакиллар депутатликка номзодни сайловчиларга ташвиқот этишда қўл келади. Ушбу жараёнда сиёсий партия депутатликка номзод ҳақидаги аудио-визуал материалларни тайёрлаб, сайловчилар билан бўладиган мулоқотларда намойиш этилса, номзод ҳақида ташвиқот янада таъсирчан қилиши мумкин. Сайловчилардан қайси сиёсий партиянинг номзоди катта таассурот қолдирса, албатта, сайлов кундаги овоз бериш жараёнида унга нисбатан хайрихоҳлар кўпроқ бўлади.

Сайлов қонунчилигида келтирилганлиги, сайловолди ташвиқоти омма олдига мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий

партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида ҳам олиб борилиши мумкин. Сайловолди ташвиқотининг ушбу шакли сайловчиларга депутатликка номзод ҳақида таассуротни уйғотишга қаратилган. Яъни, одамлар депутатликка номзодларнинг ташқи кўриниши, омма олдига чиқишлари, давлат ва жамият соҳаларини ривожлантиришдаги билликлари, муаммолар саволларга жавоб бера олиши, вазиятдан қийиб кетиши, маданияти, ахлоқига қараб ўз муносабатларини шакллантириб боради.

Сиёсий партиялар, оммавий ижтимоий ҳаракатлар, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ўртасидаги баҳс ва мунозараларни, жумладан, турли оммавий ахборот воситалари орқали кузатиш мумкин. Мунозаралар номзодларнинг қанчалик фаоллиги, уларнинг ўз қарашларини нечоғли аниқ белгилаш ва илгари суришидан далолат беради. Табиийки, номзодлар ўртасидаги баҳслар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилиши даркор. Айнан шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат-эътиборини қаратиши керак.

Матбуот конференциялари — сиёсий партиялар, оммавий ижтимоий ҳаракатлар, ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг кенг оммавий қизиқтирувчи масалалар бўйича оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувлар, суҳбатлар ҳисобланади.

Ўз ўрнида, интервью — электорал журналистиканинг муҳим жанри; матбуот, радио, телевидение ёки интернетда бериш учун муҳбирнинг номзод билан ўтказган суҳбати ва шу суҳбатнинг матни.

Ролик — ахборот мазмунини дақиқ қисқача фильм; видео-клип. Телевидениеда сиёсий партияларнинг ташвиқоти учун ажратилган вақт довомида реклама роликларини намойиш этиш ҳам муҳим омилдир. Қисқа вақт довомида депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисида таъсирли лавҳани намойиш эта билиш сиёсий рекламанинг энг қулай шакллари билан бири ҳисобланади.

Омма олдига сўзга чиқишлар ва жойлардаги сайловолди учрашувларида депутатликка номзодлар ҳар жиҳатдан ўзларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Бугунги кунда омма олдига мунозаралар ва чиқишларнинг энг кенг тарқалган шакли теледебатлардир.

Теледебат сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг чиқишлари аҳолига таъсир этишининг энг қулай шакллари билан бири ҳисобланади. Айнан телевидениедаги депутатликка номзодлар ўртасидаги мунозаралар, баҳслар, сўзга чиқишлар, умуман, теледебатлар муҳим сайловолди ташвиқоти қиради. Бундан ташқари, жойларда ўтказиладиган учрашувларда депутатликка номзодлар ёки уларнинг ишончли вакиллари ўзларининг имкониятларини намойён этади.

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигида сайловолди ташвиқоти оммавий ахборот воситалари, шунингдек, телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, интернет жохон ахборот тармоғи) орқали; босма, кўргазмалар, аудио-визуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа тарқатма материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали; сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали ҳам олиб борилиши кўзда тутилган. Уларнинг ҳар бири сайловолди ташвиқоти жараёнида муҳим ўрин тутади.

Шухрат ЯКУБОВ,
Фуқаролик жамияти шоклонлигини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари

Бюджет ижроси депутатлар назоратида

Давоми. Боша 1-бетда

Таъкидландики, жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари секинлашганлиги ва унинг ривожланишида хатарлар кучайганлигига қарамай, мамлакатимизда замонавий, рақобатбардошли ва диверсификациялаштирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга йўналтирилган ислоҳ қилиш ва ривожлантириш стратегияси изчил амалга оширилиши натижасида ҳисобот даврида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг изчил ўсиши таъминланган.

Амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 8,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,4 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми — 11,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми — 6,8, қурилиш ишлари ҳажми — 18,9, чакана товар айланмаси ҳажми — 14,2, пуллик хизматлар ҳажми — 11,1 фоизга ўсди. Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Яна бир муҳим жиҳати шуки, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Жами ишлаб чиқариш таркибидagi улуши ўтган йилнинг 9 ойи давомидаги 54,5 фоизга қисқарганда, ҳисобот даври якунига кўра 59 фоизга кўтарилган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш соҳалари, қурилиш материаллари саноати, енгил саноат, тиббиёт, қора металлургия, озиқ-овқат саноатларининг барқарор ўсиши таъминланди. Жорий йил бошидан бошлаб 777,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди, улардан 465 мингтаси эки 59,8 фоизи қишлоқ жойларда эканлиги эътиборга молик.

Ишлаб чиқилган дастурлар — «йўл хариталари» амалиётга йўналтирилиши натижасида зарар билан ишлаётган 119 та корхонадан 139,2 млрд. сўм фойда олиниши таъминланди. Таркибий ўзгаришлар амалга оширилган корхоналарда умумий қиймати 4,5 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди, 192,6 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинди, 2,3 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди ва тикланди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасидаги вазифалар ижросини таъминлаш, унда белгиланган тадбирларни молиялаштиришга жорий йилнинг 9 ойи мобайнида барча манбалар ҳисобига 4,2 трлн. сўм ва 200,0 млн. АҚШ доллари миқдорда маблағ йўналтирилди.

Иқтисодиётда ҳисобот даври давомида эришилган ижобий-таркибий силжишлар, сифатли ўзгаришлар ва тенденциялар унинг барқарор ва балансли ривожланишини таъминлади, аҳоли бандлиги ва даромадининг ўсишига имкон берди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини 145,6 млрд. сўмлик профицит билан ижро этишга эришилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси



си аъзолари мавзу юзасидан муҳокамалар давомида социал-демократик ҳужжатларга таянган ҳолда асосий эътиборни ижтимоий соҳаларда амалга оширилган ишларга қаратишди.

Абдуқамол Раҳмонов,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Таъкидлаш лозимки, ҳисобот даврида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларига Давлат бюджетининг 59,3 фоизи эки 13 313,6 млрд. сўм маблағ сарфланди. Яъни, мазкур харажатлар ЯИМга нисбатан 13,3 фоизни ташкил этди.

Хусусан, таълим муассасалари таъминоти ва уларни ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисмини эки 58,6 фоизини ташкил этди. Ушбу мақсадларга Давлат бюджетидан 7 560,7 млрд. сўм ажратилган, бу эса ўтган 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 млрд. сўм, 2012 йилнинг 9 ойлик маблағидан 2,4 млрд. сўм кўп демакдир. Яъни, таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юр்தларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини яққол аниқлади. Ушбу йўналишдаги сазъ-харажатлар партияимизнинг дастурий вазифаларига мосдир.

Камола Ҳамидова,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Жорий йилнинг ўтган 9 ойида Давлат бюджети билан боғлиқ харажат ва даромадлар ҳақида сўз кетганда, аввало давлат молия тизими-

да олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган ва шу йилнинг 1 январидан бошлаб қуча қирган Бюджет кодекси ҳал қилувчи ўрин тутганини қайд этиш лозим. Бюджет жараёнини тартибга солувчи, амалиётдаги мавжуд зиддиятларни ва эскирган нормаларни бартараф этувчи ягона қонун ҳужжати ҳисобланмиш мазкур кодекс асосида амалиётда ўзини оқлаб, ишлаб турган нормалар, қоидалар ҳамда бюджет жараёни иштирокчиларининг ваколатлари тизимлаштирилди, шунингдек, ривожланган мамлакатларда жорий этилган давлат молиясини бошқаришнинг замонавий усуллари ҳам назарда тутилган. Бундай очик ва ошқора механизм эса ўз навбатида ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш, аҳолини давлат органлари, биринчи навбатда маҳаллий ҳокимликлар фаолияти борасида маълумотлар билан кенг таъминлаш, бошқарувда ошқоралик, очиклик ва ҳисобот бериб бориш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жалб этиш тарафдори бўлган партияимизнинг мақсад ва вазифаларига уйғун эканлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Умид Жуманиёзов,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Давлат бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси муҳокамаси давомида соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги ишлар изчил ва тизимли асосда давом эттирилгани фракцияимиз аъзоларининг диққат марказида бўлди. Хусусан, соғлиқни сақлашни ривожлантиришга Давлат бюджетидан

3 151,2 млрд. сўм эки 2013 йилнинг мос даврига нисбатан 18,3 фоиз кўп маблағ харажат қилинган бўлиб, шундан, дори-дармонлар, тиббиётда фойдаланиладиган воситалар, вакциналар ва бактериологик препаратлар харид қилиш учун 77,0 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари учун 44,6 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Амбулатория (профилактика) хизматларига, кўп тармоқли поликлиникалар, тиббиёт марказларига, қишлоқ врачлик пунктларига, шошилинч тиббий ёрдам станцияларига ва шу каби бошқа хизматларга йўналтирилаётган маблағлар ҳажми кўпайгани халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати янада яхшиланишига замин яратмоқда. Буларнинг барчаси соғлиқни сақлаш секторини такомиллаштириш гоёсини илгари сураётган партияимиз Сайловдаги дастурига мувофиқ эканини таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, фракция аъзолари Давлат бюджетининг 2014 йил 9 ойлик якуни ижросини муҳокама қилиш жараёнида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фаровонлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларини сақлаш ҳамда шаҳар, шаҳарча ва туманлардаги бошқа инфратузилмаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ижросига муҳим эътибор қаратилди.

Қизгин муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари Ўзбекистон «Адолат» СДП позицияси нуқтаи назаридан ўз тақлиф ва тавсияларини билдирдилар ҳамда Давлат бюджетининг 2014 йил 9 ойлик якуни ижросини маъқулладилар.

Саодат СОДИҚОВА,
«Адолат» мухбири

УЛУФ ФАЗИЛАТЛАР ИФОДАСИ

Давоми. Боша 1-бетда

Бинобарин, билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолганларни кечириб, илм-маърифат зиёси ёрдамида уларни тўғри йўлга бошлаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламни ҳимоя қилиш халқимизнинг онг-шууридан жой олган қадриятлардан саналади.

Донишмандлардан бирининг эътирофи эътишча, дунёда энг бебаҳо, аммо ҳамиша беназир тарқатилмаган ҳазина бу ОНА меҳридир. Онанинг ўрнини бошқа инсон боса олмастлигини, оилада барқарор муҳит яратишда аёлнинг улуши бекиёслигини ҳисобга олиб, юқоридаги Қарорда аёл-маҳкумаларни жазодан озод этиш белгилангани бежиз эмас.

Шунингдек, Қарорга мувофиқ, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, I ва II гуруҳ ногиронлари ҳамда чет давлатлар фуқаролари ҳамда Қарор қуча қирганга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қилмаган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар жазодан озод қилиниши назарда тутилгани нафақат амнистия акти қўлланилганларнинг, балки уларни интиқ бўлиб қутаётган минглаб оила аъзоларининг хурсандчилигига сабаб бўлади.

Қолаверса, эҳтиётсизлик оққасида жиноят содир этган шахслар, қасддан ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинганлар, шунингдек, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган (қасддан одам ўлдириб жиноятини содир этганлар бундан мустасно) маҳкумлар ҳамда тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибда тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатыб ўтган шахслар жазодан озод қилиниши илк бор адашганларга тўғри ҳулоса чиқариш учун яна бир имконият берилиши айни мuddао бўлди.

Эътиборлиси, Қарорда амнистия акти қўлланилмайдиган жазо турларининг аниқ кўрсатилгани амнистия ҳужжатининг ижроси манзилли бўлишида, турлича талқин қилинишининг олди олинишида, қўлланилиш тартиб-тамоийиларининг очик-ошқора амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, Қарорнинг 7-бандига кўра жазодан озод этилиш ҳуқуқи, «узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта ҳавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибда жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибда озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазога алмаштирилган шахсларга татбиқ этилмайди. Амнистия актининг ўзига хос янгиликларидан бири — Жиноят кодексининг фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритишни назарда тутувчи 168-муддасида кўрсатилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги алоҳида қайд этилганда бўлди.

Муҳтасар айтганда, қонун устуворлигини таъминлашга ҳисса қўшаётган «Адолат» СДП аъзолари тегишли мутасадди идоралар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда жойларда ушбу Қарорнинг аҳамиятини кенг тушутиришда, амнистия ҳужжатининг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда фаол бўлишлари лозим.

Мавлуда НИШОНОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Давоми. Боша 1-бетда

Ижтимоий сўров натижаларида юртдошларимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов тўғрисида етарлича хабардор экани маълум бўлди. Сўров иштирокчиларининг қарийб 90 фоизи сайлов 2014 йил декабрда ўтказилишини билди. 86,7 фоизи сайловчилар ҳуқуқларидан яхши хабардор. Аксарият иштирокчилар янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун билан танишиб чиққан.

«Сайлов пайтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатликка номзодларнинг қайси жиҳатлари сиз учун муҳим?» деган саволга жавоб берар экан, ижтимоий сўровда қатнашганлар номзодларнинг маънавий-маърифий хусусиятлари, одоб-ахлоқи, демократик қадриятлар ва миллий аъёнларни ҳурмат қилиши, профессионаллиги ва чет тилларни билишини алоҳида ажратиб кўрсатишди. Иштирокчиларнинг аксари депутатликка номзодлар жамаиятида, маҳаллаларда обрў-эътибор қозонган ва ҳаётий таърибга эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Фуқаролар учун номзодларнинг оиладаги мақоми ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сўровда фуқаролар ўз номзодини сайлашда унинг ижтимоий аҳволи, қайси сиёсий партияга мансублигини эътиборга олади.

Аксарият фуқаролар учун оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги воқеалар ҳақида мунтазам ахборот етказиб берадиган асосий манбадир. Аҳолининг катта қисми мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлат тўғрисида етарлича хабардор экани маълум бўлди. Сўров иштирокчиларининг қарийб 90 фоизи сайлов 2014 йил декабрда ўтказилишини билди. 86,7 фоизи сайловчилар ҳуқуқларидан яхши хабардор. Аксарият иштирокчилар янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун билан танишиб чиққан.

Обид ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти кенгаши матбуот котиби

Чарос БОЗОРОВА

Халқ эътиборини қозониш номзод ва ишончли вакилларнинг сиёсий маҳоратига боғлиқ

➤ Сиёсий ўқув

Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти кенгаши Фуқаролик жамаият шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти (ФЖШМҚМИ) билан ҳамкорликда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов кампаниясининг ташвиқот-тарғибот тадбирлари бошланиши муносабати билан партияимиздан депутатликка кўрсатилган номзодлар учун ўқув-семинар ташкил этилди.



катимизда кечаётган бугунги ислохотлар моҳиятини очиб бериши, шунингдек, республикамизда иқтисодий ўсиш суръати ва янги иш ўринлари ташкил этилганлигига йилгиланлар эътиборини жалб этиши, худудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни таҳлил этишни назарда тутиши ҳамда депутат бўлиб сайланган тақдирда ислохотлар ривожига қандай ҳисса қўша олиши ҳақида ўз позициясини очиб бериши, қолаверса, ён-тарофимизда, бошқа давлатларда юз бераётган сиёсий вазиятлар, ҳолатлар ҳақида ҳам сўз юритиши зарур. Бошқача айтганда, депутатликка номзод сайловчи кўз ўнгига нафақат худудий масалалар, балки дунёда кечаётган глобал муаммолардан ҳам яхши

хабардорлигини намоён қилиши айни мuddаодир.

Тадбирда сиёсий партия кузатувчиси ҳамда ваколатли вакилнинг сайловда иштирок этиш тартиби, аҳамияти, бу борада сайлов қонунчилигида белгиланган ҳуқуқий нормаларнинг мазмун-моҳияти, сиёсий партия томонидан кузатувчи ва ваколатли вакиллар номзодларини шакллантириш борасидаги аниқ амалий ишлар ва эришилган натижалар, ҳал қилиниши лозим бўлган галдаги вазифалар бўйича режалаштирилаётган чора-тадбирлар ҳақида фикр юритилди.

Айниқса, сиёсий партияларнинг ваколатли вакили ва кузатувчисининг сайловдаги иштироки масаласи атрофлича ўрганилиб, улар фаолияти-

нинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, кузатувчи ва ваколатли вакиллар учун номзодларни тайёрлаш, уларнинг билимлари ва тайёргарлигини кучайтириш хусусида фикр алмашилганлиги, номзодлар қонунчиликдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан батафсил таништирилиши уларнинг сайловга тайёргарлигини янада кучайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шунингдек, тадбирда депутатликка номзодларнинг сайловдаги ташвиқоти юзасидан иштирокчиларга зарур маълумотлар берилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари Д.Ҳамдамова номзодларнинг маҳаллий ОАВлар, жумладан, радио, телевидение, газета ва журналларда, хусусан, партияимиз нашри — «Адолат» ижтимоий-сиёсий газетасида чиқишлари, ўзларининг тарғибот ва ташвиқот ишлари режасини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишларида катта масъулият билан қараш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Сиёсий ўқув иштирокчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда амалий машғулотлар олиб борилгани, уларнинг назарий билимларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Сиёсий ўқувда ФЖШМҚМИ Бухоро вилоят бўлими раҳбари ўринбосари Ж.Болтаев депутатликка номзоднинг сайловчилар олдида чиқишида эътибор қаратиши зарур бўлган жиҳатлар ҳақида атрофлича тўхтади.

Таъкидланганидек, депутатликка номзодлар сайловчилар билан урчушларда ўз маърузаларида мамла-

ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхати
(Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 15 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган)

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Партияга мансублиги | Эгаллаб турган лавозими | Доимий яшаш жойи | Номзод этиб кўрсатган орган |
|---|------------------------------------|---------------|-------------------------|---|--|---|
| ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА: | | | | | | |
| 1-НУКУС САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 1 | Утемуратова Сапаргул Шамшетовна | 1977 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Қорақалпоқ давлат университети "Хуқуқшунослик" кафедраси доценти | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 2-ТҮРТКҮЛ САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 2 | Ибрагимова Зухра Аметовна | 1965 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 3-ЭЛЛИҚАЛҶА САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 3 | Матайқов Зокир Кутлиевич | 1972 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | ЭллиқалҶа тумани 1-сонли Республика туманлараро Силга қарши курашиш шифохонаси бош шифокори | Қорақалпоғистон Республикаси, ЭллиқалҶа тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 4-АМУДАРҶ САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 4 | Розумов Уктамбай Рейимбаевич | 1970 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Қорақалпоғистон Республикаси ЭллиқалҶа тумани "Бўстон-1 ММТП" масъулияти чекланган жамияти раиси | Қорақалпоғистон Республикаси, ЭллиқалҶа тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 5-ХҶАЙЛИ САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 5 | Ембергенова Гулнара Сабираевна | 1961 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Нукус шаҳридаги "Орол олтин мероси" жамоат бирлашмаси директори | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 6-ЧИМБОЙ САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 6 | Матқурбанов Рашид Жолдасбаевич | 1977 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 7-ОРОЛ САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 7 | Кудайназаров Аллияр Байжигитович | 1969 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | "Шимолгазтаъминот" унитар корхонаси директори | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 8-АҚМАНҶИТ САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 8 | Далжанов Бердимурат Матжанович | 1978 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Қорақалпоғистон Республикаси П.Суюнов номидаги Республика суд тиббий экспертиза бюроси бошлиғи | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА: | | | | | | |
| 9-АНДИЖОН САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 9 | Юсупова Нарғизахон Оматажоновна | 1979 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Андижон шаҳар "Баркамол авлод" Болалар маркази директори | Андижон вилояти, Андижон шаҳри | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 10-ОЛТИНҚҶЛ САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 10 | Сидиқов Мухаммаджон Исакович | 1975 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Андижон вилояти Молия бошқармаси бошлиғи | Андижон вилояти, Олтинқўл тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 11-БҶЗ САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 11 | Алимджанов Иброҳим Инамович | 1959 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Андижон давлат тиббий институти ўқув ишлари бўйича проректори | Андижон вилояти, Андижон шаҳри | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 12-ШАХРИХОН САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 12 | Холқулов Дилшодбек Қорақўзиевич | 1973 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Андижон вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси | Андижон вилояти, Булоқбоши тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 13-АСАКА САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 13 | Қурбанова Муқаддасхон Солижоновна | 1967 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Асака туман бўлинмаси раиси | Андижон вилояти, Асака тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 14-МАРҶАМАТ САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 14 | Абдувалиева Барноҳон Ҷанижоновна | 1975 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Андижон вилояти, Марҳамат тумани 33-умумий ўрта таълим мактаби директори | Андижон вилояти, Марҳамат тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 15-ХҶЖАБОД САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 15 | Собиржонов Жамалиддин Қодирович | 1976 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Андижон вилояти Ҷазначилик бошқармаси бошлиғи | Андижон вилояти, Қўргонтепа тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 16-ПАХТАОБОД САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 16 | Зокирова Умидахон Турсуновна | 1970 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Молия вазирлиғи Валюта активлари ва мажбуриятлари бош бошқармасининг валюта активлари ва мажбуриятлар билан боғлиқ операциялар ҳисоб-китоб бўлими бошлиғи | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 17-ҚҶРҶОНТЕПА САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 17 | Сиддиқова Фотима Абдумуталибовна | 1977 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Қўргонтепа тумани бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Маркази директори | Андижон вилояти, Қўргонтепа тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 18-ИЗБОСКАН САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 18 | Шадманов Алишер Каюмович | 1962 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Андижон давлат тиббий институти ректори | Андижон вилояти, Андижон тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 19-ХОРТУМ САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 19 | Дадаҳоджаева Мухаррам Эсануллаевна | 1973 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати Аёллар ва ёшларнинг сийёсий фаоллиғини ошириш бўлими мудири | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 20-ЧИНОБОД САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 20 | Ҳакимов Дилшодбек Мамадалиевич | 1965 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали директори | Андижон вилояти, Андижон шаҳри | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА: | | | | | | |
| 21-БУХОРО САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 21 | Джураев Қодир Асадович | 1972 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси | Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 22-КОҶОН САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 22 | Абдулҳақов Ихтиёр Умарович | 1970 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи Назорат инспекцияси Бухоро вилоят бўлими бошлиғи | Бухоро вилояти, Бухоро тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 23-ШОХРУД САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 23 | Холов Уткир Шомуродович | 1970 | Партиясиз | Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси | Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 24-ИБН СИНО САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 24 | Каримов Бобир Шаропович | 1973 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиали директори ўринбосари | Бухоро вилояти, Бухоро тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 25-ВАРАХШО САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 25 | Рўзиев Анвар Султонович | 1981 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Навоий вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи | Тошкент шаҳри, Миробод тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 26-ПАЙКЕНТ САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 26 | Махсудов Жамол Тиллоевич | 1972 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси бош директор ўринбосари | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 27-ЖИЛВОН САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 27 | Ҷиязов Баҳодир Баязович | 1970 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Бухоро вилояти Статистика бошқармаси бошлиғи | Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 28-ҶИДҶУВОН САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 28 | Даминов Мирзоҳид Исломович | 1973 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Бухоро вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи | Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА: | | | | | | |
| 29-ЖИЗЗАХ САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
| 29 | Норқузиев Фарҳод Норқўлатович | 1971 | Ўзбекистон "Адолат" СДП | Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали директори | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан |
| 30-ДҶСТЛИК САЙЛОВ ОКРУГИ | | | | | | |
